3.55-5.55 "Тошкент вақти".

SPORT

6.00 "Хайрли тонг".
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 ИНТЕРФУТБОЛ.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Sport Mesto".
8.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
9.55 АНОНС.
10.00 "Шоҳулапа йўл".
10.40 "Шикоят".
11.00 АНОНС.
11.05 Шотланд каратэ.
Ўзбекистон чемпиони.
11.50 АНОНС.
12.55 "Халқ ўйинлари".
12.55 "Умид инқолаблари-2015".
12.20 АНОНС.
12.25 "Қувнок стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 АНОНС.
13.20 Балдимтон. Халқро турнир.
14.05 АНОНС.
14.10 Таъкиддо WTF. Ўсимлар ўртасида осие чемпиони.
15.05 "Эфирроф".
15.15 АНОНС.
15.20 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.40 "Спорт сайёраси".
16.50 АНОНС.
16.55 Каратэ. Осие чемпиони.
17.55 Кўрсатувлар тартиби. ***
18.00 "Спортимиз маликалари".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.
19.05 "Rekord.uz".
20.05 АНОНС.
20.10 Футзал. УЕФА кубогин". Барселона (Испания) - "Спортинг" (Португалия).
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 "Sport Mesto".
22.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.45 "SPORT REPORT".
00.00 АНОНС.
00.05 Бокс. Ўсимлар ўртасида

Ўзбекистон чемпиони.
00.55 АНОНС.
Қадри телетомошабинлар!
2015 йил 26 апрелдан 27 апрелга ўтар кечаси соат 01-00 дан 06-00 га қадар рақамли телеауттичларда режата мувофиқ профилангистаки ишлари оlib борилин муносабати билан, "SPORT" телеканал дастурамини фақат аналог русумидаги телекенине тармоқлари орқали узалиши томоша қилишниги мумкин.
1.00 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ "МЕТАЛЛУРГ" - "БУЗВЕДКОР".
2.40 АНОНС.
2.45 Балдимтон. Халқро турнир.
3.30 АНОНС.
3.35 Баскетбол.
4.35 АНОНС.
4.40 - 6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

05.00 Новости
05.10 "Луи де Фюнес. Человек-оркестр"
06.05 Х/ф "Женитба Бельяминаво"
07.35 "Славу Отчизне!"
08.00 "Здоровье"
09.00 Новости
09.15 "Непутевые заметки"
09.30 "Пока все дома"
10.15 Фюенда
10.45 "Смешарики. ПИН-код"
11.00 Новости
11.10 "Горько!"
12.00 "Теория заговора"
13.00 "Вицин, которого мы не знали"
13.55 Коллекция Первого канала
17.00 Вечерние новости
17.15 "Точь-в-точь"
20.00 Воскресное "Время". Информационно-аналитическая программа
21.30 "Танпуш"
23.40 Х/ф "Большие надежды"
01.30 Х/ф "Комедия давно минувших дней"

РОССИЯ 1

05.40 Х/ф "Город принял"
07.20 "Весь Россия"
07.30 "Сам себе режиссер"
08.20 "Смехотанорам"
08.30 "Утренняя почта"
09.30 "Сто к одному"
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделея в городе
11.00, 14.00 Вести.
11.25, 02.55 "Россия. Гений места"
12.25, 14.30 Х/ф "Высокая кухня"
16.55 "Один в один".
20.00 Вести недели
22.00 "Воскресный вечер".
00.35 Х/ф "Отдаленные последствия"
03.50 "Планета собак"
04.20 "Комната смеха"
05.05, 00.30 Т/с "Хозяйка тайги - 2. К морю"
07.00, 09.00, 12.00, 14.30 Сегодня
07.15 Русское лото плюс
07.50 Их нравы
08.25 Едим дома

09.20 Первая передача
10.00 Чудо техники
10.50 Дачный ответ
12.20 СОГАЗ. Чемпионат России по футболу 2014/2015. "Спартак" - "Рубин". Прямая трансляция
14.50 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
17.00 Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю
18.00 Сегодня. Итоговая программа с Кириллом Подольниковым
19.00 Список Норкина
20.05 Х/ф "Дубровский"
02.20 Т/с "Наружное наблюдение"
04.05 Т/с "Москва. Три вокзала"

РОССИЯ К

06.30 "Евроклуб"
10.00 "Обыкновенный концерт с Эдуардом Эфировым"
10.35, 23.55 Х/ф "Вы мне писали..."
12.05 Говард Хьюз.
12.35 Россия, любовь моя!
13.00 Фильм-фантазия "Петя и волк"
13.35 Гени и злодеи
14.00 Х/ф "Алешкина любовь"
15.25 "Пешком...". Москва студийная
15.55 Д/ф "Интерлюдия в стиле джаз"
16.40 "Кто там..."
17.15, 01.55 "Тайное оружие армии Рокоссовского"
18.00 "Контекст"
18.40 "Война на всех оина"
18.55 Х/ф "Отен солдата"
20.25 Д/ф "Нина Усатова. Невняная встреча"
20.55 Х/ф "Байка"
22.20 Спектакль "Допа довис респет (Даруй нам мир)"
01.25 М/ф "Серый волк едет Красная шапочка". "История кот с всеми вытеккойими последствиями"
02.40 Д/ф "Дом Луиса Баррагана. Миф о модерне"

ТВ3


07.00 04.15 "6 кадров"
07.30 "Животный смех"
08.00 08.35 08.55 09.30 10.00 10.10 Мультисерналы
11.30 "МастерШеф"
13.00 "Успеть за 24 часа"
14.00 "Взвешенные люди"
15.30 "Кунг-фу пада-2"
17.00 "Ералаш"
17.30 "Ералаш"
18.00 "Джек Ричер" Боевик
20.30 "Человек-паук-3"
23.10 "Ван Хельсинг" Фэнтези.
01.35 "Аполлон-13" Драма.
04.55 "Заложники" Боевик

СТС

06.00, 09.00 Мультифильмы СМФ
07.30 "Школа доктора Комаровского"
08.00 Д/с "Вокруг Света"
10.00 Х/ф "Гость с Кубани"
11.25 Х/ф "Два долгих гудка в тумане"
13.00 Х/ф "Хрустальные черепя"
14.45 Х/ф "Подземелье драконов"
17.00 Х/ф "Побег из Лос-Анджелеса"
18.00 Х/ф "Ночной рейс"
20.45 Х/ф "На крышке"
23.00 Х/ф "Соседа по комнате"
00.45 Х/ф "Падший"



6.00 "Ватан меҳри".
8.10 "Ўнутимас оҳанглар".
6.30 "Уч кунилик дунё".
Спектакль.
8.00 "Ўзбек адабиёти".
8.10 "Ўхшайди-ку!"
9.30 "Табассум қил".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Қавказ аспаран". Б/ф.
12.00 "Ош бўлсин".
12.30 "Сехраванг Элла". Б/ф.
14.10 "Яғни Ҳандалак".
14.40 "Қотира совадги".
14.50 "Миллат ҳазинаси". Б/ф.
18.50 "Телеғулу".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Имкон-шоу".
20.20 "Ришталар". Б/ф.
23.30 "Туман". Х/ф.
00.00 "Ош бўлсин".
00.30 "13-студия".
Қадри телетомошабинлар!
Рақамли телеауттичларда режата мувофиқ профилангистаки ишлари оlib борилин муносабати билан, соат 01-00 дан 06-00 гача теледастураимизини фақат аналог телевизорларда кўриш мумкин бўлади.
1.00 "Ватанпарвар".
1.40 "Ўзбек адабиёти".
2.20 "Суэ ешларга".
3.10 "Ўхшайди-ку!"
4.20 "Сиз сонгинг асарлар".
4.50 "Кендиларинг эълосиш виси".
5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".



Лушанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25, 01.05 Т/с
"Позывной "Стая".
Возвращение в
прошлое"
12.15, 03.20 "Эволюция"
13.45 Большой
футбол
14.05 Х/ф "Приказано
уничтожить! Опера-
ция"
17.30 "24 кадра"
18.00 "На пределе".
Мины-ловушки
18.30 "Сталинградс-
кая битва". Над
бездной
19.25 "Сталинградс-
кая битва". Перелом
20.20 Т/с "СМЕРШ.
Лисья нора"
00.10 "Восход Побе-
ды. Курская буря"
03.00 Большой спорт
03.55 Волейбол.
05.45 Х/ф "Застывшие
депешы"

Сешанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25, 01.00 Т/с
"Позывной "Стая".
Переворот"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой
футбол
14.05 Х/ф "Красная
капелла"
17.35 Х/ф "Клад
могилы Чингисхана"
21.10, 23.45 Большой
спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Восход Побе-
ды"
02.50 "Эволюция"
04.00 Профилактика

Торшанба

08.30 Профилактика
12.00, 02.50 "Эволю-
ция"
13.45 Большой футбол
14.05 Х/ф "Красная
капелла"
17.35 "Полигон".
БМП-3
18.05 Х/ф "Охота на
пиранью"
21.30, 23.45 Большой
спорт
21.55 Волейбол.
00.05 "Восход Победы.
Багратионовы клещи"
01.00 Т/с "Позывной
"Стая". Провокация"
04.35 "Диалоги о
рыбалке"
05.05 "Язь против еды"
05.30 Х/ф "Застывшие
депешы"

Пайшанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25, 01.00 Т/с "По-
зывной "Стая". Об-
мен"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 Х/ф "Красная
капелла"
17.35 Т/с "Временщик.
Переворот"
19.20 Т/с "Временщик.
Танк Пороховщикова"
21.00, 23.45 Большой
спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Восход Победы.
Падение блокады и
Крымская ловушка"
02.55 "Эволюция"
03.55 Волейбол.
05.45 Х/ф "Застывшие
депешы"

Жума

08.30 Панорама дня.
LIVE

10.25, 01.00 Т/с
"Позывной "Стая".
Охота на миллиард"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой фут-
бол
14.05 Х/ф "Красная
капелла"
17.35 Т/с "Времен-
щик. Спасти Чапая"
19.20 Т/с "Времен-
щик. Янтарная
комната"
21.00, 23.45 Большой
спорт
21.25 Хоккей.
00.05 "Восход Побе-
ды. Разгром германс-
ких союзников"
02.50 "Эволюция"
04.25, 04.55 "Русский
след"
05.20 "Неспокойной
ночи". Порту
05.50 Смешанные
единоборства

Шанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.25 "В мире живот-
ных"
10.55 "Диалоги о
рыбалке"
11.25 Х/ф "Дело
Батагами"
13.55, 18.30, 00.45
Большой спорт
14.00 "Задай вопрос
министру"
14.40 "24 кадра"
15.10 Х/ф "Охота на
пиранью"
18.55 Хоккей.
21.15 Х/ф "Заговорён-
ный"
01.10 Профессиональ-
ный бокс.
03.25 "За гранью".

Обратная реакция
03.55 "Смертельные
опыты"
04.25 "Прототипы".
Остап Бендер
04.55 "Человек мира".
Каталонский дух
05.50 Профессиональ-
ный бокс.

Якшанба

08.30 Панорама дня.
LIVE
10.30 "Моя рыбалка"
11.00 "Рейтинг Баже-
нова". Война миров
11.30 Х/ф "Дело
Батагами"
14.00 "Полигон".
Возвращение легенды
14.30, 16.45 Большой
спорт
14.55 Баскетбол.
17.05 Х/ф "Земляк"
23.05 Х/ф "Путь"
01.05 "Большой
футбол с Владимиром
Стогниенко"
01.55 "Угрозы совре-
менного мира".
02.25 "НЕпростые
вещи". Телебашня
02.55 "Мастера".
Лесоруб
03.25 "Человек мира".
Японский альбом
05.20 "Неспокойной
ночи". Лазурный
берег
06.20 "Максимальное
приближение". Тоска-
на
06.40 Х/ф "Летучий
отряд. Порт"

Янги ғоялар – муваффақият сари йўл

Қарши давлат университетида "VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси"да намоиш этишга тавсия қилинган ишланмаларнинг ҳудудий тақдироти ташкил этилди. Унда ёш тадбиркорлар ва мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган тадқиқотчилар, магистр ва талабалар ўз ишлари билан қатнашдилар.

Ўтказилган ҳудудий инновация ярмаркасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 135га яқин олим ва мутахассисларнинг 175дан ортиқ инновацион ишланмалари намоиш этилди. Тақдим этилган инновацион ғоя ва лойиҳаларнинг 74таси саноат соҳасига, 62таси қишлоқ хўжалиги, 18таси ахборот технологиялари, 21таси фан ва таълим соҳасига дахлдор.

— Ярмаркада умумий қиймати 504 миллион сўм бўлган жами 21та шартнома имзоланди. Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 40дан ортиқ шартномани имзолашга келишиб олинди, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридagi инновация трансфери маркази раҳбари Аслиддин Умаров. Ярмарка доирасида олимлар, корхона ва



ташкilot раҳбарлари иштирокида "Қашқадарё вилоятининг илмий-техник салоҳияти ва инновация ишланмаларига бўлган эҳтиёжлари" мавзуйда давра суҳбати ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида ёш олимлар ва иқтидорли талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ишланмаларга бағишланган семинар ташкил этилди.

Ярмаркада фаол қатнашган қатор иштирокчилар "Саноат соҳасидаги энг яхши инновацион ишланма", "Қишлоқ хўжалик соҳасидаги энг яхши инновацион ишланма", "Ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши инновацион ишланма", "Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши инновацион ишланма", "Энг фаол инноватор олим", "Энг кўп шартнома имзоланган муассаса", "Энг яхши иштирок этган муассаса" номинациялари бўйича ғолиб деб

топилиб, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида турли номинациялар бўйича "Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш ўқитувчиларнинг дастурий ва техник ишланмалари" кўرғазмаси ташкил этилди.

Унда ТАТУ Қарши филиалининг иқтидорли талабалари, магистрант ва профессор-ўқитувчилари ҳамда "Ахборот таълим технологиялари", "Ахборот технологиялари", "Табиий ва умумқасбий фанлар", "Телекоммуникация инжиниринги" кафедралари томонидан тайёрланган бодан ортиқ дастурий ва техник ишланмалар ҳам намоиш этилди.

Филиалнинг "Инглиз тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган" веб-сайти, "MOODLE платформасида қурилган АТТ кафедраси таълим тизими", "Давомат мониторинг ахборот тизими", ишчи-ходимлар иш вақти ҳисобини юритиш, масофадан кузатув тизими каби лойиҳа ва ишланмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди ҳамда икки томонлама келишувлар имзоланди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Дастурий ва техник ишланмалар кўрғазмаси

ТАТУ Фарғона филиалида иқтидорли талабалар, магистрлар ва профессор-ўқитувчиларнинг дастурий ва техник ишланмалар кўрғазмаси ўтказилди.

Иштирокчилар томонидан кўрғазмада 60га яқин турли йўналишдаги дастурий маҳсулотлар намоиш қилинди. Жумладан, олтита мобил илова, 10та веб-сайт, 20та дастурий таъминот ва 23та техник ишланма кўрсатилди.

Номинациялар бўйича ғолибларни аниқлаб бериш учун махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Уларнинг баҳоси асосида ҳар бир номинация бўйича куйидагилар ғолиб деб топилди:

"Энг яхши мобил-илова"

1-ўрин. Ф.Мулайдинов — АТ кафедраси ассистенти, Мобил қурилмалари учун АКТ бўйича инглизча-ўзбекча лугат иловаси.

2-ўрин. Н.Искандаров, А.Бойқўзиёв — филиал талабалари, Андроид амалий тизими учун "Фотогалерея" иловаси.

3-ўрин. А.Полвонов — филиал талабаси, К.Мўйдинжонов — АТМ ходими, Android смартфонлар учун талабалар давомати ва ўзлаштириш ҳисобларини юритиш иловаси.

"Энг яхши веб-илова"

1-ўрин. Х.Назаров — талаба, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг электрон савдо тизими.

2-ўрин. Ш.Мамажонов — талаба, ТАТУ Фарғона филиали "Қамолот" веб-сайти.

3-ўрин. Б.Маматқулов — талаба, Фуқароларни АКТ бўйича малакасини ошириш учун веб-ишланма.

"Энг яхши Windows-илова"

1-ўрин. Ш.Мўминов — талаба, Талабалар давомати ва балларни назорат қилиш дастурий таъминоти.

2-ўрин. С.Юсупова — талаба, Программа для анализа и построения двухмерных и трёхмерных графиков функций.

3-ўрин. А.Маҳмудов — талаба, Суғурта компанияси учун дастурий таъминот.

"Энг яхши техник ишланма"

1-ўрин. Ш.Солиев, С.Курулов, И.Вадихов — филиал талабалари, Генератор тишидаги фотоприёмник.

2-ўрин. И.Маҳсудов — талаба, Булл алгебраси функцияларининг реле-контакт схемаларига татбиқи.

3-ўрин. Д.Исмонов — талаба, Микроконтроллер.

Номинацияларда ғолиб бўлган кўрғазма иштирокчилари филиалнинг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Ф.ПОЛВОНОВ,
ТАТУ Фарғона филиали УИИБ директор ўринбосари

ТАТУ Самарқанд филиалида "Иқтидорли талабалар ва магистрантлар томонидан яратилган дастурий ва техник ишланмалар" кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Кўрғазмага талабалар ва магистрлар томонидан тайёрланган 47та ишланма тақдим этилди. Филиал фойсисда саккизта кафедра, АРМ ва соҳа корхоналари томонидан тайёрланган баннерлар, ўқув-услубий ишлар, чоп этилган китоблар, ўқув-услубий мажмуалардан кўрғазмалар ташкил этилди.

Иштирокчилардан 43 нафари сертификат билан, 7 нафар ғолиб эса махсус сертификат ва совғалар билан тақдирланди. Ғолиблар куйидаги номинациялар бўйича аниқланди:

"Энг яхши мобил-илова" — Бобур Раҳимов, 1-боққич магистранти;

"Энг яхши веб-илова" — Абдулатиф Сафаров, 3-боққич талабаси;

"Энг яхши Windows-илова" — Руслан Раупов, 2-боққич талабаси;

"Энг яхши техник ишланма" — Арслон Намозов, 3-боққич талабаси;

"Энг қизиқарли техник ишланма" — Арслон Намозов, 3-боққич талабаси;

"Амалиётга жорий этилган энг яхши ишланма" — Ҳаёт Мирзаев, 3-боққич талабаси;

"Энг яхши илмий раҳбар" — Темур Соқиев, "Дастурий инжиниринг" кафедраси мудири вазифасини бажарувчи.

Тақдим этилган ишланмалардан "AFISH.UZ" (муаллиф — Бобур Раҳимов), "Хотирали сичқонча" (муаллиф — Арслон Намозов), "Электрон кутубхона" (муаллиф — Абдулатиф Сафаров), "Think.uz дастури" (муаллиф — Ҳаёт Мирзаев)ни амалиётга жорий этиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш чоралари кўрилди.

Кўрғазмада иштирок этган битта "Хотирали сичқонча" (муаллиф — Арслон Намозов) ишланмасини патентлаш ва қолган барча ишланмалар учун Давлат патент идорасидан гувоҳнома олиш чоралари белгиланди.

Кўрғазмада намоиш этилган ишланмалар каталоги чоп этилди ҳамда ишланма ва муаллифлар www.softwage.uz сайтида рўйхатдан ўтказилмоқда.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

KASABA UYUSHMALARI
HAYOTIDAN

Рағбат ва эътибор

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали ходимларининг соғлиғи, уни тиклаш ва дам олиши билан боғлиқ имкониятлари ҳамда қўндалик меҳнати мустақкам муҳофазата олиниши.

Кейинги икки йил мобайнида касабга уюшмаси аъзоларидан бир неча нафари мамлакатимиз сўхатгоҳларида дам олиб қайтишди. Жумладан, Жарқўрғон почта алоқаси тармоғи оператори Нурсулвў Иброҳимов Тошкентдаги “Чинобод” савнаториясида бўлди. Денов гуманидаги “Денов-1” алоқа бўлими бошлиғи Акбар Тилаков эса имтиёзли йўлланмани “Назарбек”ка олди. Шу билан бирга, ижтимоий суғурга ҳисобидан Бойсун ПАТнинг “Мачай” алоқа бўлими бошлиғи Панжи Болтаев Бухородаги Абу Али ибн Сино сўхатгоҳида соғлиғини мустақкамлашга эришди.

Филиал бошланғич касабга уюшмаси кўмитаси расиси Кулмурод Кулсаҳатовнинг таъкидлашича, моддий ёрдамга эҳтиёж сезган ходимлар мурожаатига бирлазими вазифа сифатида қаралмоқда. Ўтган йили Шеробод ПАТ хабарчиси Ҳикматулла Қосимовнинг аризаси ўз вақтида инобатга олинди. Унинг оиласига 150 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам берилди. Шеробод транспорт ва алоқа, Термиз педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан беш нафари имкон даражасида қўлаб-қувватланди, уч томонлама шартнома асосида филиал шохобчаларига қабул қилинган коллеж битирувчиларидан бир гуруҳининг иш кўникмасини ошириш учун 50 минг сўмдан пул берилди. Ҳозир бу ёшлар соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшишмоқда.

Рағбат ва эътибор филиал жамоасини янада жипс-лаштириб, кўзланган мақсад сари яқдил қадамларда аксини топмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири



Тўсатдан бошланган уруш ҳамма қатори уни ҳам четда қолдирмади. Эндигина 18 ёшга кирган ўспирин ҳарбий хизматга қақирилди. 1942 йилнинг кузидан бошлаб, Тошкентдаги 3-радио-телеграф курсида алоқа ишлари бўйича бошланғич маълумот олди. Сўнгра Брянск фронтга қарашли 6-алоқа полкида оддий алоқачи сифатида хизмат қила бошлади. Унинг жанговар фаолияти 2-Болтиқбўйи, Ленинград фронтлари билан боғлиқ.

Биз билан бўлган суҳбатда у Курск остоналаридаги жанговар фаолияти ҳақида бир воқеани ҳаяжон билан гапириб берган эди:

— Худди кечагидек ёдимда, — деган эди у. — 1943 йилнинг баҳор пайтлари эди. Ҳаво совуқ, тез-тез ёмғир ёғиб турарди. Волга дарёси бўйидаги катта ғалабадан руҳланган жангчиларимиз ҳамма кучни Курск ёйини ёриб ўтишга сафарбар қилиб, душман билан шиддатли жангга киришган. Бизнинг қисмимиз ҳам Курск остоналарида. Устимизга дўлдай ўқ ёғилар, ён-веримизда дам-бадам бомба, снарядлар портлаб, қулоқларни қоматга келтирарди.

Жанглар натижасида қўшни қисмлар билан алоқамиз узилиб қолди. Шунда командиримиз алоқани тиклаш вазифасини менга топширди. Шивалаб ёғаётган ёмғир остида қўлимга узилган симнинг бир учини ўраб, қўшни артиллерия полки томон йўл олдим. Орамизда тахминан 200-250 метрли ботқоқлик бор. Вазифа — шу ботқоқликни қандай бўлса-да кечиб ўтиб, тезлик билан алоқани тиклаш. Сим ўралган қўлимни осмонга кўтарган ҳолда ботқоқликни кечиб ўта бошладим. Сувнинг совуқлиги аздойибаданимни сескантирарди. Бутун ҳаёлим фақат бир нарса — қандай бўлмасин жанговар топшириқни бажариш, узилган алоқани тиклашга қаратилган! Қарасам, худди кели-

Ўз вақтида

Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” ШКнинг Гулчехра Эрматова раҳбарлик қилаётган Марғилон шаҳар бўлими ходимлари аҳоли, корхона, коллеж, мактаб ва шифохоналарга газета-журналларни ўз вақтида етказиб беришмоқда. Булимнинг ҳар бир ходими ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Шаҳарда бўлимнинг олти “Матбуот” дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Маъмуржон Иброҳимов, Муқаддас Қирғизова, Фо-

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNJ

Султонхўжа Мўминов 1941 йилнинг июл ойида Тошкент шаҳридаги 113-мактабнинг ўнинчи синфини муваффақиятли тугатиб, шу ернинг ўзида бошланғич синфларга муаллим қилиб тайинланди. Кечқурун эса Тошкент педагогика институтининг физика-математика факултетини таълим ола бошлади.

Жасур алоқачи эди

Тезда симларни мустақкам боғлаб, сув ичида бир-биримизни самимий кўчоқлаб, дарҳол узоклашдик. Дам ўтмай ҳар иккимиз қирғоққа эсон-омон чиқиб олганимиз шарафига ҳуштак чалиб, дўстона қўл силкидик.

шиб олгандек, нариги тарафдан кимдир мен томон ҳаракат қилипти. Демак, вазифамиз бир! Иккимиз тобора яқинлашдик, келаётган жангчи қўшни қисмдаги Зокир исми йигит экан. Орамизда 40-50 метрча масофа қолганида уртамизга гув этиб бир снаряд келиб тушди. У ботқоқликка юмшоққина тушганиданми, сув юзасини бир оз тўлқинлантирди-ю аммо ёрилмади. Биз сув ичида, ботқоқликда бир-биримизга гап-сўзсиз тикилиб қолдик. Назаримизда, ҳозир снаряд қаттиқ портлаб, бизни икки томонга улоқтиради-ю топшириқни бажаролмаймиз. Бахтимизга снаряд ёрилмади. Бу бизга далла бўлди. Жанговар вазифини бажариш масъулияти бизни тобора яқинлаштирди. Тезда симларни мустақкам боғлаб, сув ичида бир-биримизни самимий кўчоқлаб, дарҳол узоклашдик. Дам ўтмай ҳар иккимиз қирғоққа эсон-омон чиқиб олганимиз шарафига ҳуштак чалиб, дўстона қўл силкидик. Шу топшириқни бажарганим эвазига “Жанговар хизмати учун” нишони билан тақдирландим.

Урушдан кейин Султонхўжа Мўминов Тошкент политехника ин-

ститутини тугатиб, узок йиллар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бош бошқармасига раҳбарлик қилди, эл ҳурмати, эътиборига сазовор бўлди. У 1969-1970 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб, минглаб мутахассислар тайёрлашга ўзининг салмоқли улушини қўшди. Кейинчалик у Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида ўз ихтисоси бўйича ўқитувчилик қилди.

Султонхўжа Мўминов фақат тажрибали раҳбар, жонкуяр мураббийгина эмас, балки бир-биридан одобли, меҳнаткаш, фарзандларнинг меҳрибон отаси ҳам эди. У рафиқаси Муҳаббатхон билан уч ўғил ва беш қизни ҳавас қилса арзийдиган фарзандлар қилиб тарбиялашди. Тўнғич фарзанди Рустамхон Тошкентдаги нефт ва газ институтида муаллим, иккинчи ўғли Аббосхон лойиҳалаш институтида илмий ходим, қолган фарзандлари: Лолахон, Муқаддасхон, Гулбахор, Тоҳир, Фотиима-Зухралар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ота-оналари каби ҳалол меҳнат қилмоқдалар. 30дан ортиқ невараларнинг севишли бобоси бўлган Султонхўжа Мўминов оила аъзолари даврасида, маҳалла-қўйидаги ёшлар, қариндош-уруғлар ўртасида ўзининг намунали ҳаёт йўли, жанг хотиралари билан тез-тез ўртоқлашиб турарди.

Биз ҳикоя қилган бу лавҳалар Тошкент шаҳрининг Зангиота маҳалласида яшаб ўтган уруш ва меҳнат фахрийси, жасур алоқачи, моҳир мураббий, устоз Султонхўжа Мўминовнинг жанговар ҳаёт йўлидан бир шингил, холос.

Искандар РАҲМОН,
Қуролли Кучлар фахрийси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

зилжон Ваҳобов каби ходимлар меҳнатидан аҳоли мамнун. Фахрий ходимлардан Раҳимахон Юсупова, Озодхон Тожибосваларнинг меҳнати, ширинсуханлиги, фидойилиги жамоада эъзозланаяпти.

Сараловчи Манзурахон Мадаминова, хабарчи Тоҳиржон Мўйдинов, ҳайдовчи Шерали Ашуровларнинг ибратли меҳнати туфайли обуна нашрлари 120дан ортиқ ташкилот, корхона, ўқув муассасаларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши билан боғлиқ фан-техника тараққийнинг ривожланиши жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлишига, жумладан, ахборот тизимлари ва компютер тармоқлари ишига ғайриқонуний арадашишга, компютер ахборотининг талон-торож қилиниши, ўзлаштирилиши, товламачилик, "кибержиноятчилик" ва "кибертерроризм" номи билан кенг тарқалган хавфли ижтимоий ҳодисага олиб келди.

Глобал таҳдид:

2002 йил бошида Европа кенгаши Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияга қўшимча I-сонли протокол қабул қилди. Унда жиноятлар рўйхатига ирқчилик ва бошқа хусусиятга эга бўлган, ирқий, миллий, диний ёки этник мансубликка асосланган зўравонлик ҳаракатларига, алоҳида бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан адоват ёки камситишларга ундайдиган ҳаракатлар қўшилган. Ушбу қарор амалда терроризмнинг янги шакли — компютер терроризми пайдо бўлишига жавоб эди. Унда компютер терроризми сиёсий, мафкуравий, диний ёки бошқа шу каби мақсадларга эришиш учун компютерларга ёки компютер тармоқларига зарар етказиш деб таърифланди.

Ҳозирги замон террорчилари учун кибермақондан фойдаланишнинг қулайлиги шу билан боғлиқки, киберҳужумлар содир этиш учун катта молиявий харажатлар керак эмас, фақат интернетга уланган шахсий компютер ҳамда махсус дастурлар ва вируслар бўлса kifoya. Глобал компютер тармоғидаги терроризм жадал ривожланмоқда: интернет-сайтлар қўққисдан пайдо бўлмоқда, тез-тез форматини, сўнгра ўз манзилини ҳам ўзгартирмоқда. Агар 1998 йилда АҚШ томонидан "Хорижий террорчилик ташкилотлари" рўйхатига киритилган 30та террорчилик гуруҳининг тахминан ярмида ўз сайти мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб террорчилик гуруҳларининг деярли ҳаммаси интернетда. Улар орасида "Сендеро Луминисо" ва "Тупака Амаро" ташкилотларидан бўлган Перу террорчилари, Афғонистоннинг "Толибон" ҳаракати жангарилари, "Озод Грузия учун" гуруҳига кирувчи грузин миллатчилари, "Тамил қаршилиқ ҳаракати" ва бошқа қўллаб-қувватловчи тузилмалари мавжуд. Турли ташкилий ва мафкуравий асосларда фаолият кўрсатувчи "Ал-Қоида", "Ҳизби Аллоҳ", "Ҳамас", "Абу Нидалл" ташкилотлари, "Қора Йўлбарслар" (улар "Тамил Илама озодлик йўлбарслари" билан боғлиқ) каби террорчи гуруҳлар нафақат ўз қарашларини тарғиб этишда, балки миллий инфратузилма объектларига ҳужум қилиш воситаси сифатида, хорижий сайт ва серверларга ҳужум қилмоқдалар. Террорчилик сайтларининг интернет аудиторияси террорчиларнинг имкониятдаги ва амалдаги тарафдорларини фаоллаштириш, мижозага бевосита жалб этилмаган халқро ижтимоий фикрга таъсир кўрсатиш, террорчиларга қарши курашаётган фуқаролар, ташкилотлар ва давлатларнинг жанговар руҳини йўқотиш учун ишлатилади.

Террорчилик гуруҳлари интернетдан ўз мақсадларида фойдаланишига ёрдам берадиган усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун тўплаш.

2. Террорчилик ҳаракатлари уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги батафсил маълумотлар келтириладиган сайтлар яратиш, уларда террорчиларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор одамлар учрашадиган вақт ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш.

3. Молиявий институтлар кибертерроризм ҳаракатларига дуч келмаслиги ва обрўсини йўқотмаслиги учун улардан пул талаб қилиш.

4. Интернетдан сайтлар саҳифаларида келгузи ва режалаштирилган ҳаракатлар ҳақида хабар бериш мақсадида оммага мурожаат этиш учун фойдаланиш ёки бундай хабарларни электрон почта орқали тарқатиш.

5. Ахборот-психологик таъсир кўрсатиш учун интернетдан фойдаланиш.

Бугун кибертерроризм шафқатсиз воқеликка айланди. Жаҳонда юз бераётган киберҳужумларнинг умумий сонини ҳисоблаб чиқиш жуда қийин, чунки турли сабабларга кўра уларнинг ҳаммаси ҳам ошкор бўлмайди. Шу боис айрим экспертлар интернетнинг буткул очиклигидек дастлабки концепциясидан воз кечиб, интернетнинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқдалар. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқ фойдаланувчиларининг анонимлигидан воз кечиш бўлиб, бу — тармоқнинг жинойи тажовузулардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга қаратилган. Масалан, Microsoft компанияси ҳар бир кибертеррорчини аниқлаш учун 50 минг доллар миқдорда мукофот тўлашга тайёрлигини эълон қилди.

“Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш давлатимиз сийёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда.”

Шундай қилиб, кибертерроризм терроризмнинг муайян тури бўлиб, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда турли тузилмаларни қўрқитиш ва қарорлар қабул қилишга ўзгача тарзда таъсир кўрсатишга қаратилган.

Мамлакатимизда соғлом интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтларни қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўриктанловларнинг ўтказилаётгани, ёш веб-ихтирочиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан раҳбатлантирилаётгани, соғлом ахборот муҳитини таркиб топтиришга йўналтирилган турли тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборот хуржларидан ҳимоялаш механизми яратилган. Масалан, "Ёшларга оид давлат сийёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда ёшлар орасида одохлақни бузишга, жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликини тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон қадриқимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, филмларни намойиш этиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунда болаларнинг бўш вақтини назорат қилиш тартиблари ўз ифодасини топган. Жумладан, болаларнинг тунда ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компютер зали, интернет-кафе ёхуд бошқа кўнгулочар жойларга назоратсиз боришига йўл қўйганлиги учун нафақат ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, балки кўнгулочар масканлар раҳбарига ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизни устувор тарбиялаш давлатимиз сийёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда. Бунинг учун маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги оширилиб, "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари кенг тушунтирилмоқда. Таълим муассасаларида замонавий компютер технологиялари чуқур ўргатилиб, уларнинг Ziyonet тармоғи ҳамда миллий сайтлардан фойдаланиши таклиф этилаётир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Интернет — ахборот бозори. Ундан ҳамма ўзига керакли нарсани излайди. Демак, фарзандларимизни ундан фақат маърифат излашга ўргатиш, уларда мафкуравий иммунитетни ва ахборотни танлаш кўникмаларини шакллантириш фоят муҳимдир". Юртимизда ёшларимизни соғлом тафаккур ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратилган улкан эътибордан қўзланган мақсад ҳам шу.

А.ИМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси "Информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа" кафедраси бошлиғи ўринбосари,
Ф.САЙТУРОДОВ,
мазкур кафедра ўқитувчиси

Муродил жуда ёшлигидан ота-онасининг орзу-ниятларини теран илғаб улагайди: Муроднинг улғу ва доимо пок бўлсин, одил бўлсин... Бунинг учун эса аввало ўқиш керак, ҳунар ўрганиш керак. У шу йўлдан борди. Олий таълим олди, меҳнатлари билан эътибор қозонди. Раҳмат ота ва Холмисо аяларнинг ўз вақтида берган сабоқлари ҳар қадамда асқотди. Дуолари қўллади. Боқий дунёга сафар қилганларига анча йиллар бўлиб кетган эсада ҳамон ота-онасининг мадади-меҳрини ҳис этгандай бўлади. Этан, Муродил ака ҳар кун, ҳар лаҳза уларнинг руҳларини шод этадиган солиқ амалларини адо этишга ҳаракат қилади.

Умр таровати

Фахрийликнинг ҳам масъулиятли вазифалари бор

Ватан олдидаги йигитлик бурчини Саратов шаҳрида адо этиб қайтгач, меҳнат фаолиятини вилоят ишлаб чиқариш алоқа техника бошқармаси Олтиариқ алоқа боғламасида ҳисобчи-тафтишчиликдан бошлади. Икки йил ғайрат-шижояти билан ишонч қозонгани учун ҳам бошқарманинг Водил алоқа боғламаси бошлиғи ўрин-босарлигига ўтказилди. Бу ерда ҳам муваффақиятли иш олиб борди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институтида таҳсил олди. Сидқидил ишлагани учун ҳам хизмат мартабаси ошиб борди. Фарғона алоқа таъминоти ишлаб чиқариш техника бошқармаси муҳандиси, вилоят алоқа таъминоти идораси бошлиғи... Шу тариқа алоқа соҳаси таъминотининг устаси бўлиб етишди. "Фарғона Телеком" ОАЖ алоқа таъминот филиали директори, "Алоқа сервис" ихтисослаштирилган бўлинига бошлиғи каби раҳбарлик вазифаларида кўп йиллар меҳнат қилди. Кейинроқ почта соҳасида ишлаб бошлади. Марғилон почта алоқасини бир муддат бошқаргач, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали директори ўринбосари вазифасида хизмат қилди. 2007-2014 йилларда филиални бошқарди. Ҳозирда филиал директори ўринбосари.

... У Раҳмонжон Рустамов, Искандар Абдуллаев, Мўйдинжон Тоштемиров, Мамажон Йўлчиев каби устозларига мурожаат қилиб, йўл-йўриқларини дуоларидан баҳраманд бўлгани, қолаверса, устоз Абдувоҳид Жўрабоевнинг раҳбарлик мактабини кўргани шарофати билан ҳам билимдон раҳбар бўлиб етишди.

Ҳар қандай корхонада ҳам шарт-шароитлар, асбоб-анжомлар, транспорт, иш жойлари бекамму кўст бўлса, барча қулайликлар яратиб қўйилсагина ишнинг файзи-баракаси бўлади. Вилоятда телекоммуникациянинг тараққий топишида "Алоқа сервис" жамоасининг ҳиссаси салмоқли бўлган. Айниқса, Жанубий Корея ДЭУ компаниясининг замонавий алоқа жиҳозларини авайлаб-асраб келтириш, сақлаш, ўрнатиш, тарқатиш ишлари рисоладагидек ташкил этилганлиги, Маҳмудовнинг ниҳоятда масъулият билан иш олиб боргани қайта-қайта эътироф этилган эди.

Фарғона — Водил, Водил — Аввал оптик кабелли ер ости линияси қурилишида ҳам бўлинманинг хизмат катта бўлди. Почта соҳасида ҳам иш жойларининг тўқис бўлишини таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Ҳар бир ишнинг, жараснларнинг пухта ва беҳато бўлишида ҳам ютуқларга эришилди.

— Муродил Маҳмудов ҳаммамизнинг устозимиз, — дейди филиал раҳбари Шуҳратжон Бўриев. — Биз у кишидан бир умр миннатдоримиз. Соҳа сирларини, раҳбарлик саноатларини устоздан ўргандик. Жамоани қадрлаши, иш ташкил қилиши, юртиши, очик фёллиги, дангал сўзлаши бизга ўрнак, намуна. Алоқа соҳаси ривожига салкам қирқ йилдан буён ўз улушини қўшиб келётган азиз устозимиз билан фахрланамиз ва яна кўп йиллар елкама-елка бирга ишлаймиз, деган умиддамиз...

Лекин Муродил ака фахрийлик ёшида ўзига фақат фахрийликни афзал кўрмоқда. Рафиқаси Ҳикоятхон опа билан солиҳ фарзандларни камолга етказишди. Турсуной билан Манзураҳон ҳамшира. Шавкатжон "Перфектум мобайл" компаниясининг олий маълумотли етук ходимларидан. "Энди навбат фахрийлик лавозимига, — дейди устоз Маҳмудов. — Аслида фахрийлик баъзилар уйлаганидек бекорчилик эмас, фахрийликнинг ҳам масъулиятли вазифалари талайгина..."

Дарҳақиқат, шундай. Бу вазифалар ҳам куч ва вақтни талаб этади. Ахир, тўққиз нафар неварига тўққиз соат вақт сарфласа, бу ҳам баъзан камлик қилиши мумкин. Неваралар таълим-тарбияси учун фурсат топмаган бобо бобомми? Қолаверса, боғида иш қайнайди. Унда шафтоли, ўрик, олма, қўйинги, меванинг ҳамма туридан бор. Ёши улуглик неварачеваралар бахти-иқболини кўриш, боғ ишларини бошқариш, боғ гузалликларидан баҳра олиш билан беҳад таштти, беҳад мароқли.

Таваллуд айёмини нишонлаётган Муродил акага, умрингизнинг шундай тароватли баҳорлари кўп бўлсин, фарзандларингиз роҳат-фароғатини кўринг, деймиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"МАВЛУДА-МЕДИА" хусусий корхонасининг (Хоразм вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 5 июнда берилган АА серияли 0004106 рақамли;

"BAXTYOR LUX TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2012 йил 3 июлда берилган АА серияли 0004122 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2015 йил 3 апрелдан;

"WERTOOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2010 йил 22 ноябрда берилган АА серияли 0003453 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2015 йил 10 апрелдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганлиги учун "SINAN DESIGN" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2012 йил 12 мартда берилган АА серияли 0004003 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2015 йил 4 апрелдан 10 иш кунига тўхтатилди.

● Реклама

ALSKOM

суғурта компанияси



"ALSKOM" суғурта компаниясининг тиббий суғуртаси ходимларингиз соғлиғи ҳақидаги гамхўрликнинг самарали воситасидир.

Ихтиёр тиббий суғурта полисимиз орқали Сизга мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бўйлаб жойлашган 200дан ортиқ турли тиббий муассасаларда тиббий хизматлар кўрсатилади.

Бизнинг суғурта полисимиз — Сизнинг хотиржамлигингиз!

www.alskom.uz

Хизматлар лицензияланган

Шифокорни уйга чақариш

Дори-дармон таъминоти

Стоматологик хизмат

Шошилч тиббий ёрдам

Вакцинация ва диспансеризация

Амбулатория-поликлиника ва стационар хизмат

Доимо саломат бўлинг!

"ALSKOM" суғурта компанияси АЖ
Тошкент ш., Амир Темури к., 109
E-mail: info@alskom.uz
Тел.: 147-11-00 (211,212) Факс: 147-22-00

